

**ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШ -МИЛЛАТ МАҶНАВИЯТИНИНГ
НЕГИЗИДИР.****Азиза Султонова***Тошкет Молия Институти**«Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти*

Маълумки, бугун дунёда кескин кураш ва рақобат хукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун бекиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оиласа енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти. Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи худудларда атайнин бекарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда. Шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув жараёни бугунги кунда дунёнинг барча минтақаларида ижтимоий-маданий ҳодисаларга ўзининг турлича таъсирини ўтказмоқда. Бундай таъсирнинг бир хил эмаслиги дунё мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва геосиёсий омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Оламда юз бераётган бу каби ўта шиддатли ва тезкор жараёнларнинг авж олиши шароитида миллий маънавиятга қаратилган таҳдидлар тобора ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби маънавиятнинг миллат онги, дунёқарashi ва менталитетини ташкил этиши билан боғлиқдир. Миллат онги, дунёқарashi ва менталитетини турли хил замонавий усул ва воситалар ёрдамида ўзгартириш орқали миллатни, мамлакатни ва унинг барча бойликларини қўлга киритиш мумкин бўлади. 90 Ана шу таъкидлардан келиб чиқиб, миллат маънавиятига қаратилган таҳдидлар биринчи галда, мамлакат ривожининг эртанги кунини яратувчи ёшларга, уларнинг онги, дунёқарashiiga қарши қаратилганлиги билан хавфлидир. Чунки маънавиятнинг инқизозга юз тутиши, албатта, мамлакатнинг тараққиётдан орқада қолишига, бошқа давлатларнинг измида бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 19 январь 2023 йилда бўлиб ўтган видеоселектр йиғилишида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари алоҳида таъкидлаб ўтилди. “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва

миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, дейди Шавкат Мирзиёев йиғилишда.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимизва жамиятимиз ўзининг бор куч ва имкониятларини сафарбар этмоқда. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларга доир давлат сиёсати” дастуруламал вазифасини ўтайди. Бу ҳақда тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлайдилар: “Биз маънавиятва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватани албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани - халқقا, Ватанга чин юрақдан хизмат қилиш деганидир. “Биз яратадиган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган, дейди Президент. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб - қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Дунёда ғоявий ҳамда информацион хуружлар, турли мафкуравий таҳдидлар авж олаётган бугунги кунда ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, уларнинг тафаккурида соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш энг муҳим вазифадир. Бундай мураккаб ва таҳликали даврда маънавий – маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш қўйидагиларга боғлиқ: Ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён – атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, диний экстремизм, халқаро терроризм, зўрлик билан жорий этиш оқибатида халқаро майдондаги зиддият ва қарама – қаршиликлар кучайиб бораётган бир вазиятда ўзимизнинг келажак стратегиямизни аниқ белгилаб олиш, ғанимларнинг ғаразли уринишлари нимага қаратилганлигини ҳар томонлама англаб олиш ва кенг жамоатчиликка етказиш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш, мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий ғоя тарғиботи ва мафкуравий жараёнларнинг амалий ишлари ва ижобий натижаларини ёшларга тушунтира билиш, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маънавиятва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши” эканлиги тўғрисидаги қарашларининг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқарога, хусусан ёшлар онгига сингдириш. Бугунги кунда турли хил диний эътиқодларни инсон, хусусан, ёшлар онгига сингдириш орқали сиёсий мақсадларга эришиш ҳам ҳозирги вақтда мафкуравий тажовузнинг бир шаклига айланмоқда. Бу хусусда, социология фанлари доктори, профессор М.Бекмуродов шундай ёзади: “Турли хил диний эътиқодларни омма онгига сингдириш орқали сиёсий мақсадларга

эришиш XX аср охири ва XXI аср бошларидағи даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бирига айланди. Бу дунёдаги энг йирик – ислом, христианлик, буддийлик ва иудаизм динларидағи анъанавий эътиқод амалларидан ажралиб чиққан масҳаблар, секталар, оқимлар фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Диний эътиқод орқали таъсир ўтказиш жараёнлари одамлар онги, дунёқарашини ўзгартириш ва пировард натижада уларни маънавий манқурт – зомбига айлантириш билан якун топмоқда. Ёшлар онгини заҳарлаб, уларни зомби қилиш механизми қай тарзда намоён бўлиши, бу жараён қандай кечиши, ёт мафкуравий кучлар ўз мақсадларига эришиш учун қандай шакл ва услублардан фойдаланаётганини тадқиқ этиш ҳамда уларга қарши курашиш бугун жамият олдида турган долзарб масалалардан бири саналади”.

Бугунги кунда лоқайдлик ва бепарволик энг катта хавф экани, бугун учраётган ижтимоий муаммоларни камайтириш учун нуронийлар тарбияси, жамоатчилик назорати етишмаслиги сабабли, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам кутилган натижани бермаяпти.

“Миллий тарихни миллий рух билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантишимиз зарур”, дейди Шавкат Мирзиёев.

“Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари”ни шакллантиришни талаб этмоқда. Афсуски, атрофдаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳдилчи ва эксперталаримиз жуда кам. Бундай вазиятда жамиятни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу маънода, Маънавият ва маърифат, “Тараққиёт стратегияси”, Ислом цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий “ақл марказлари”га айланиши керак.

Демак, ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан бири турли хилдаги мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг самарали йўллари, усуллари ва воситаларини яратишдир. Мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларига қарши курашнинг замонавий механизмлари сифатида қўйидагиларни тавсия қиласиз: - ёшларнинг иймон – эътиқодини кучайтириш; - уларнинг иродасини бақувват қилиш; - ёшларни мустақил, эркин фикр қилишга йўналтириш; - ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш; - уларнинг ўзлигини англаш, танитиш; - ғуур ва ифтихор билан яшашларига эришиш; - ёшларда муқаддас қадриятларимизни асрар – авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш; - мамлакатимиз халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик муносабатлариниянада кучайтириш. Мафкуравий,

маънавий ваахборот таҳдидларига қарши курашнинг олдини олиш йўллари сифатида қуидагиларни таклиф қиласиз:

1. Миллий тарбияни такомиллаштириш орқали таҳдидбардош ёшларни вояга етказиш. Ёшлар тарбиясида қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу талабдан келиб чиқсан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Маълумки, тарбиянинг бошланғич нуқтаси бу – оиладир. Шарқ халқлари учун оила муқаддас маскан. Чунки оиланинг мустаҳкамлиги, унинг тинчлиги ва осойишталиги давлатнинг мустаҳкамлиги ва осойишталигини таъминловчи манбадир. Шу боис, бизда оила масаласи давлат сиёсати мақомидаги масаладир

2. Болалар адабиётiga, умуман болалар учун мўлжалланган мусиқа, ашула, театр, кино асарлари яратишга эътибор кучайтирилиши, бундай асарларни яратувчилар учун пухта ўйланган рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши керак. Болаларни ёшлигидан одоб-ахлоқ ва гўзалликка ошнолик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун уларни ёшлигидан адабиёт, мусиқа, ашула, театр ва кинолар орқали тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқ зарур..

3. Тарғибот-ташвиқот ишларини юқори босқичга кўтариш бу соҳадаги ишларни жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор ўзбек халқининг миллий ғурури, мустақиллик ғояси, ватанпарварлик ва халқпарварлик, миллий мағкурага йўналтирилиши лозим бўлади. Амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот фаолиятида ахборот воситаларидан ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш орқали ҳар қандай хатарли таҳдидларга жавоб бера оладиган ёшларни вояга етказиш мумкин.

4. Жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб, мамлакат тараққиётiga ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидоий, элга ва ватанга садоқатли, ватанпарвар инсонларни - замонамиз қаҳрамонлари сифатида юрга танитиш.

Хулоса қилиб айтганимизда, ҳар қандай мағкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларига қарши курашда Президентимизнинг асарлари дастуруламал вазифасини бажариши керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Shakabilovich, S. S., Davletbaevich, I. K., & Rikhsivoevna, S. A. (2020). Priority directions for the development of civil society in Uzbekistan. *Solid State Technology*, 63(4), 458-472.

Султонова, А. Р. (2019). Гендерное равенство как фактор устойчивого развития мирового сообщества. *European science*, (4 (46)), 29-31.

.Шаякубов Шомансур Шакабилович, & Султанова Азиза Рихсиваевна (2018). Реформирование системы образования - приоритетное направление стратегии развития Узбекистана. Наука без границ, (2 (19)), 93-97.

.Aziza Rixsivoevna Sultonova (2022). YANGI O'ZBEKISTONDA AYOLLAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH BO'YICHA XALQARO HARAKATNING TARIXIY TARAQQIYOTI. Academic research in educational sciences, 3 (NUU Conference 2), 920-929.

.Султанова, А. Р. (2020). Концептуальные подходы к формированию национальной модели развития гражданского общества в Узбекистане. *Вопросы политологии*, 11(3), 890-899.

Tokhirovna, P. N. (2023). Importance of Psychological Preparation in the Higher Education System. *INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION*, 2(5), 91-94.

Парпиева, Н. Т. (2022). ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ БИОЭТИКИ. *Academic research in educational sciences*, (Conference), 137-140.

Tokhirovna, P. N. (2023). Some Issues of Students' Spiritual and Moral Development in Higher Educational Institutions. *American Journal of Science on Integration and Human Development*, 1(3), 5-7.

Parpiyeva, N. T. (2021). GEOSIYOSATNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARINI O'RGANISHNING AYRIM MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(11), 189-195.

Н.Т. Парпиева International scientific-online conference: INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS51<https://interonconf.org>Роль глобальных процессов в развитии и сопротивлении конфликтам в Центральной Азии.

Tokhirovna, P. N. (2023). Importance of Psychological Preparation in the Higher Education System. *INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION*, 2(5), 91-94.

Парпиева, Н. Т. (2022). ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ БИОЭТИКИ. *Academic research in educational sciences*, (Conference), 137-140.

Tokhirovna, P. N. (2023). Some Issues of Students' Spiritual and Moral Development in Higher Educational Institutions. *American Journal of Science on Integration and Human Development*, 1(3), 5-7.

Parpiyeva, N. T. (2021). GEOSIYOSATNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARINI O'RGANISHNING AYRIM MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(11), 189-195.

Н.Т. Парпиева International scientific-online conference: INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS51<https://interonconf.org>Роль глобальных процессов в развитии и сопротивлении конфликтам в Центральной Азии.